

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ
3-КУРС 308-ГУРУХ КУРСАНТИ
МАЖИДОВ АКОБИР АБДУҚАҲОРОВИЧ**
akobirmajidov02@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ҳуқуқиий онги ва ҳуқуқиий маданиятини юксалтиришнинг ҳуқуқиий асослари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқиий ҳужжатлар тизими ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташкари, профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқиий онги ва ҳуқуқиий маданиятини юксалтиришда норматив актлардаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш буйича бир қатор таклифлар ҳамда ҳориж тажрибалари ўрганиб чиқилиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида таҳлили ва бир қатор таклиф ва мулоҳазалар бериб ўтилган. Юқорида келтириб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ҳуқуқиий онг, ҳуқуқиий маданият, Конституция, қонунлар, вазирлик, давлат органлари, жамоатчилик.

ANNONATION

In this article, the legal basis for raising the legal consciousness and legal culture of citizens in the prevention of crimes, the system of regulatory legal documents regulating these relations, and suggestions and recommendations for improving this activity have been developed.

In addition, the existing problems and deficiencies in the normative acts and a number of suggestions for eliminating these problems and deficiencies, as well as foreign experiences of the prevention inspector in raising the legal consciousness and legal culture of citizens, were studied, their analysis was made based on the legislation of the Republic of Uzbekistan, and a number of suggestions and comments were given. . Using the aspects mentioned above, directions for improvement of this activity are highlighted.

KEY WORDS: Legal consciousness, legal culture, Constitution, laws, ministry, state bodies, public

АННОТАЦИЯ

В данной статье разработаны правовая основа повышения правового сознания и правовой культуры граждан в сфере профилактики преступлений, система нормативных правовых документов, регулирующих эти отношения, а также предложения и рекомендации по совершенствованию этой деятельности.

Кроме того, были изучены существующие проблемы и недостатки нормативных актов и ряд предложений по устранению этих проблем и недостатков, а также зарубежный опыт инспектора по профилактике в повышении правового сознания и правовой культуры граждан, проведен их анализ. составлено на основе законодательства Республики Узбекистан, а также дан ряд предложений и замечаний. Используя упомянутые выше аспекты, выделены направления совершенствования данной деятельности

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Правосознание, правовая культура, Конституция, законы, министерство, государственные органы, общественность

Бизга яхши маълумки, Ички ишлар органлари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 2010 йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 2-сентябрьдаги “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида”ги шу каби ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Ички ишлар ва Адлия вазирлигининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида олиб боради.

1997 йил 29-августда мамлакатимизда инсон хуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий хаётни демократлашириш учун шартшароитлар яратиш ва хуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан холда, “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” қабул қилинди. Ушбу хужжат асосида ўтган йиллар мобайнида жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чоратадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли фармони билан мамлакатимизда Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги даври белгиланди. Ушбу фармон асосида “Юксак хуқуқий маданият - мамлакат тараққиёти кафолати” деган эзгу ғоя асосида Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди.

Профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида Ички ишлар органларининг хуқуқлари сифатида жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш ҳамда яна бир норматив хуқуқий хужжат бўлмиш Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар сифатида ички ишлар органлари белгиланган.

Жумладан, “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 1- боби 2- моддасида Ички ишлар органларининг асосий вазифалари сифатида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари эса Қонуннинг 4- моддада қўйидагича белгиланган:

Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; терловга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терловни ўтказиш; жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш; хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниqlаш ҳамда бартараф этиш, хуқуқбузарликларни содир этишига мойил шахсларни аниqlаш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш белгиланган.

Адлия вазирлиги ўз фаолиятини қонунлар, қарорлар, буйруқлар ва кўрсатмалар асосида олиб боради. Адлия вазирлигининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш хамда хуқуқий ахборотларни тарқатиш бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорининг 1-иловаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 1-боби 8 ва 9-бандларида қўйидагича белгилаб қўйилган:

хуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул ташкилотлари билан биргалиқда қабул қилинган ҳужжатларнинг норма ва қоидаларини аҳолига тушунтириш бўйича намунавий ҳужжатлар йифиндисини тайёрлайди; қонун ҳужжатларининг мазмuni ва моҳиятини тушунтириб берувчи материалларни тайёрлайди, уларни аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатади; давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда жамиятда хуқуқий билимларни тарғиб қилишни ташкил этади; хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш: давлат органлари ва ташкилотларининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, услугбий раҳбарликни ва назоратни амалга оширади; норматив-хуқуқий

хужжатлар ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди; хуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қиласди; давлат органлари ва ташкилотларини зарур норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш чораларини кўради; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қиласди, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан фойдаланишини белгиланган тартибда таъминлайди; норматив-хуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан норматив-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргалиқда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этиш каби вазифалар белгилаб ўтилган.

Хозирги даврда профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришни тартибга солувчи норматив хуқуқий ҳужжатларнинг асосийси “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги ПФ-5618-сонли фармони ҳисобланади. Ушбу фармоннинг муҳим жихати шундаки,

фармоннинг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилган:

ижрочилар ва ахолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш; давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш; ахолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизmlарини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; ижрочилар ва ахолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Ўз навбатида ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўйидаги бир қанча таклифлари хам маъқулланган:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юридик луғат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш; ахолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш; ахолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш; ахолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига ахолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган «Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш.

Профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини юксалтиришдаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ 5618-сонли фармонида хам ўз аксини топган бўлиб фармоннинг 1-бандида қўйидагича белгиланган:

Кўйидагилар жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунларга хурмат руҳини қарор топтириш – демократик хуқуқий давлат куришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш; жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равища олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манбаатлар ҳамда жамият манбаатлари ўртасидаги мувозанатни саклаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига хуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш; аҳоли ўртасида хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича хуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш; давлат хизматчиларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли хуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш; оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш; юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини

ривожлантириш; жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чукур тадқиқ этиш.

«Юксак хуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати» деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаш. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг аҳамияти, Ушбу фармон билан жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш «шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият» принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланди. ҳам юклатилган.

Ушбу қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар асосида жойларда тегишли давлат органлари билан хамкорликда ишлар ташкил этилди ва амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда. Жумладан, 2023 йил якуни бўйича республикада мавжуд 9022 та маҳалланинг 25,5 фоизида (2301 та) жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ахоли орасида жумладан, вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар томонидан жиноят содир холатлари кескин камайишига эришилди.

Янги қонун хужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича 200 дан ортиқ ахборот-таҳлилий ва обзорли медиа материаллар ва видеороликлар тайёрланиб, 2 500 дан ортиқ теле- ва радиокўрсатувлар ҳамда воқеа жойидан 400 та репортажлар тайёрланиб эфирга ва Интернет тармоғига узатилган. Адлия вазирлиги бошқа идораларнинг хуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришини хисобга олиб, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2019 йилда 530 мингга яқин тарғибоот тадбирлари ўтказилди (1,7 бараварга ўсди) Шунингдек, ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда хуқуқий тарғиботнинг инновацион усусларидан кенг фойдаланилмоқда.

Вазирлик ва идоралар ходимларининг хуқуқий билимларини ошириш мақсадида 22 та давлат органлари ходимлари тўлиқ ўқитилиб, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бепул хуқуқий маслаҳат курслари ташкил қилиниб, соҳа вакилларидан 375 нафари ўқитилди.

Шу билан бирга, аҳоли кўп кўтараётган муаммоли масалалар, яъни миграция, моддий ёрдам, ер, уй-жой олиш, коммунал хўжалиқ, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича хуқуқий тарғибот жадаллаштирилганлигини, бунда оддий тилда қонунчиликни тушунтиришга эътибор қаратилиб, буклет, флаер ва плакатлар шаклида аҳолига 1 ярим миллион

нусхада тарқатилди. Ўз навбатида, хуқуқий тарғиботда янги лойиҳалар амалга оширилиб Интернет тармоғида аҳолининг хуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга хизмат қилувчи 5 та хуқуқий портал ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу порталлар аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, илғор жорижий тажрибани ўрганган холда, Буюк Британия давлатининг тажрибаси асосида яратилган, турли ҳаётий ҳолатлар бўйича Advice.uz (e-maslahat.uz) хуқуқий портали орқали шу кунга қадар 130 минг нафардан ортиқ шахсга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилганлиги, ёш болалар учун яратилган “Bolahuquqlari.uz” электрон сайтидан 3 500 нафардан ортиқ шахс фойдаланганлиги, аҳолига ҳуқуқий ахборотларни таҳлилий тарзда етказишга қаратилган hudud24.uz янгиликлар веб-сайти ишга туширилганлиги ялпи мажлис иштирокчилари эътиборига хавола этди.

Коронавирус пандемияси муносабати билан жиддий синовлар даври бўлди. Шу муносабат билан янгича тартиблар, қонун-қоидалар ва умуман, ўзгача турмуш тарзини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб, пандемия пайтида фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш тизимини яратдик. Жумладан, фуқароларнинг хуқуқий маслаҳатга бўлган эҳтиёжини масофавий тарзда қондириш мақсадида @huquqiy_maslahatbot, @notarius, @davxizmataloqa_bot каби телеграм ботлари очилиб, улар орқали фуқароларнинг масофадан туриб йўллаган саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар ва маслаҳатлар бериб борилди. Биргина @huquqiy_maslahatbot боти орқали шу кунга қадар фуқароларнинг 6 мингга яқин саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилганлиги таъкидланди.

Ушбу фаолият доирасида масъуллар томонидан телевиденида 11 мингдан ортиқ чиқиши қилингани, 13 мингдан ортиқ нусхада плакатлар, буклет ва флаерлар аҳолига тарқатилганлиги, 1415 та ахборот-тахлилий ва образли медиа материаллари ва видеороликлар тайёрланиб ижтимоий тармоқларда, телевиденида ва бошқа ОАВларда тарқатилаганлиги маълумот сифатида бериб ўтилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда ушбу фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асослардаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ҳамда ҳориж тажрибалари янада кўпроқ ўрганиб чиқилиши мухим ҳисобланади. Бундан ташқари, “Профилактика инспекториинг мақоми

тўғрисида”ти Қонуннинг қабул қилинишини таклиф сифатида келтириб ўтишим мумкин ҳисобланади. Чунки айнан ушбу Қонун қабул қилиниши асосида профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мақоми аниқ, узил-кесил белгилаб қўйилади. Профилактика инспекторлари ҳудудда мактаб, коллеж ва лицейларда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда тарғиботташвиқот ишларини доимий равишда олиб боришлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. ”Хуқуқбузарлилар профилактикаси тўғрисида” ги Қонун. 2014-йил 14-май.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари
6. Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда вазирлик ва идоралар хужжатлари
7. www.lex.uz (норматив хужжатлар базаси)
8. www.google.com (butun jahon qidiruv tizimi)
9. www.edu.uz (milliy ta’lim internet portal)